



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2011-yil, 21-iyun. Seshanba

74 (31.350)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

## Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодий ҳиссаси, роли ва таъсири, аниқроқ қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар сони мамлакатимизда 10 мингдан ортиқни ташкил этади.



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ ВА ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Парламентнинг конституциявий ваколатларига мувофиқ депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилги ва 2011 йилнинг биринчи чорағидида ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — Молия вазири Р.Азимов маъруза қилди. Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижросини назорат қилиш Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, шу тўғрисида бу масала ҳар доим халқ вакилларининг диққат марказида туради. Ҳисоботлар барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлисларида, шунингдек, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида дастлабки тартибда муҳокама қилинди.

Маърузаларда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги таъкидланди. Бюджет жараёнида асосий эътибор

Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида белгилаб берилган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим устуворликларини амалга оширишга қаратилди. Қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмлари, чакана товар айланмаси, пуллик тўловлар ҳажми ўсди.

Мамлакат молия тизимининг ликвидлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида ҳисобот даврида тижорат банкларининг жами капитали ва депозитлари ҳажми ошди. Иқтисодийнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми ҳам ўсди. Қурилиш ишлаб чиқаришига, асбоб-ускуналар ва илгор технологиялар олишига инвестициялар киритилди.

2010 йилда 950 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, улардан 604 мингдан зиёди ёки улар умумий миқдорининг 65 фоизи кичик бизнес соҳасига, 210 мингдан зиёд ўрин эса касаначиликка тааллуқлидир.

(Давоми 2-бетда.)

### ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа



## Оилавий тадбиркорлик ривожини янги иш ўринлари ташкил этиш ва ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар ҳаёти фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади

Бозор иқтисодиёти ривожланар экан, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ҳам долзарб аҳамият касб этиб боради. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастури ҳамда 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида аҳолини иш билан таъминлаш, шу орқали турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган қатор ғоялар илгари сурилган. Айни пайтда партия ташкилотлари мазкур вазифани бажариш бўйича кўплаб ташаббуслар билан чиқаяпти. ЎзХДП Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Микрокредитбанк» ОАТБ ва қатор етакчи тижорат банклари билан ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳа шулар жумласидан.

Бухоро шаҳрида ташкил этилган «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишда микроолиявий хизматлардан кенг фойдаланиш имкониятлари» мавзудаги навбатдаги иқтисодий форум партия электорати манфаатидан келиб чиқиб, уларнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий билиминини ошириш, кам таъминланган, лекин ишга лаёқатли ва иқтисодий фаол электорат вакиллари учун янги иш ўринлари яратиш мақсадида ўтказилди.

Форумда ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Марказий банк, «Микрокредитбанк» ОАТБ ва етакчи тижорат банклари, уларнинг вилоят ва туман бўлиmlари раҳбарлари ҳамда мутахассислари, ЎзХДП вилоят ташкилотлари етакчилари ва фаоллари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларидаги ЎзХДП де-

путатлик гуруҳлари аъзолари, оилавий бизнес, хунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган электорат вакиллари, ўз бизнесини ташкил этиш ҳаракатида юрган фуқаролар, касб-хунар коллежи битирувчилари иштирок этди.

Форум доирасида иқтисодий ўқув ташкил қилинди. Унда тижорат банклари томонидан микроолиявий хизмат кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармояларни шакллантириш, бунда кредит ажратиш қоидалари ҳақида батафсил сўз юритилди.

Фойдаланиш имкониятлари» мавзудаги навбатдаги иқтисодий форум партия электорати манфаатидан келиб чиқиб, уларнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий билиминини ошириш, кам таъминланган, лекин ишга лаёқатли ва иқтисодий фаол электорат вакиллари учун янги иш ўринлари яратиш мақсадида ўтказилди.

(Давоми 2-бетда.)

### Эътироф

— Самарқандга келган киши ўзини Шарқ эртақларида кезгандек ҳис қилади. Кўҳна обидлар аҳоли уйлари билан ёнма-ён жойлашгани ўтмиш иқлимни эслатади. Бу шаҳарнинг очик осмон остидаги музей сифатида танилгани бежиз эмас.

Самарқандга аввал ҳам келганман. Ўтган вақт — таққослаш учун яхши имконият. Самарқандда сервис хизмати жаҳон андозаларига мос ривожланмоқда. Янги хусусий меҳмонхоналар қад ростлабди. Уларда кўҳна шаҳарнинг азалий меъморий услуби ва замонавийлик уйғунлашиб кетган. Самарқанд қадимийлик ва замонавийликни муҷассам этган шаҳар сифатида таассурот қолдиради. Бу ерга келган киши яна келишни истаيدми».

Сергей ЛЕБЕДЕВ, муҳандис (Россия).

### Янгилик

## «Ўзбек нонлари ва ширинликлари»



Пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида илк бор «Ўзбек нонлари ва ширинликлари» байрами ўтказилди.

Кўрғазмадан ўзбек нон ва қандолатлари билан бирга, қардош халқларнинг ҳам шундай маҳсулотлари ўрин олди. Намойиш этилган маҳсулотлар эксперт гуруҳлари томонидан ўндан зиёд номинация бўйича баҳоланди. Шунингдек, кўрғазмада фаол иштирок этган қандолатчи, ошпаз, новвойларга ташкилотчиларнинг рағбатлантирувчи муқофотлари берилди.

Тадбир давомида санъаткор ва истеъдодли ёшлар ижросидаги куй-қўшиқ ва рақслар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Матлуба ТЕМУР қизи.

### Ватан ҳимояси — олий шараф

## Оқ йўл, офицерлар!

Тошкент Ахборот технологиялари университети махсус факультетида навбатдаги битирув тантаналари бўлиб ўтди.



Ҳа, битирув тантаналари ҳақиқий байрамга айланди. Ўқиш-ўрганиш, машқ майдонларидаги синовлар орта қолди. Бугун улар етуқлик дипломини олар экан, Мудофаа вазирлиги, университет раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналарини яна бир бор юртимиз осойишталиги ва давлатимиз дахлсизлиги йўлида бутун кучларини сарфлашга ишонтирди.

Ўз навбатида, эгнига офицерлик либосини кийган марди-майдонларга юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларида муваффақиятлар тиланди.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### Журналист ва жаҳон: тажриба, талқин

Мухбиримиз Лондон мэрининг велосипедида сайр қилди, Буюк Британия вазири маслаҳатчиси билан суҳбатлашди, кекса инглиздан миннатдорчилик эшитди

# МЕН ЎЗБЕКМАН ГМ UZBEK

⇒ 4



## ЯНГИ уйлар, орзулар

3-бет

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 21 IYONDAN BOшлаб ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1808,75	1 Миср фунти	287,86	1 СДР	2728,70	10 Жанубий Корея вони	15,78
1 Англия фунт стерлинги	2763,35	1 Канада доллари	1742,77	1 Туркия лираси	1071,95	10 Япония иенаси	213,35
1 БАА дирҳами	465,91	1 Хитой юани	264,30	1 Швейцария франки	2012,53	1 Россия рубли	60,72
1 АҚШ доллари	1711,05	1 Малайзия ринггити	563,49	1 Евро	2445,43	1 Украина гривнаси	214,59

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.







